


## ШАРТНОМА № 04



Тошкент шахри

“13” январь 2022 й.

Ўз низоми асосида фаолият юритувчи «Ёшлик» журнали тахририяти номидан Бош муҳаррир Н.О.Чориев (матнда “Ижрочи” деб аталади), бир томондан ва \_\_\_\_\_ номидан \_\_\_\_\_ асосида фаолият юритаувчи \_\_\_\_\_ (матнда “Буюртмачи” деб аталади), иккинчи томондан, ушбу шартномани имзоладилар:

### 1. Шартноманинг мазмуни:

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” топшириқ беради, “Ижрочи” эса шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ишларни амалга ошириш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” ушбу ишлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Ижрочи” кейинга ўринларда “Буюртма” деб аталадиган куйида белгиланган тартиб ва шартлар асосида “Буюртмачи”нинг фаолияти, маҳсулотлари, товарлари тўғрисида реклама маълумотлари (мақола ва эълонлар, табрик-қутловлар) тайёрлаш ва “Ёшлик” журналида жойлаштириш ишларини амалга оширади.

Бажариладиган иш	Ўлчов бирлиги	Ўлчов баҳоси (сум)	Чоп этиш сони	Чоп этиш хажми	Жами
Байрам табриги чоп этиш	дона	2 500 000	1	А-4	2 500 000
<b>Жами:</b>					2 500 000

### 2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

2.1. Шартномада кўрсатилган хизмат ҳақининг умумий суммаси: **Икки миллион беш юз минг сўми** ташкил этади. ҚҚС сиз.

2.2. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”нинг ҳисобрақамига **5 (беш)** банк куни ичида шартноманинг умумий суммаси ўтказиб берилади.

2.3. Мазкур шартномада кўрсатилган шартлар асосида шартнома суммаси 100 фоиз тўлганидан сўнг, буюртма тайёрланади ва журналда чоп этилади.

### 3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1. “Ижрочи” буюртмани “Буюртмачи”нинг талабига мувофиқ мавжуд ҳуқуқий меъёрлар доирасида чоп этади.

3.2. “Ижрочи” буюртмани “Буюртмачи” билан келишилган сонидан чоп этиб беради.

3.3. “Ижрочи” “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда буюртма матнини тахрир қилиш, ўзгартириш, журнал форматига мослаштириш ҳуқуқига эга.

3.4. “Буюртмачи” “Ижрочи” таклифига ёки ўз ташаббусига биноан нашрга буюртма беради.

3.5. Буюртмадаги маълумотларнинг тўғри, ҳаққоний эканига “Буюртмачи” жавобгар.

3.6. Ўз буюртмаси чоп этилаётган нашрдан керакли миқдорда сотиб олиш ҳуқуқига эга.

#### 4. Томонларнинг жавобгарлиги.

4.1. “Ижрочи” буюртмани сифатли, келишилган муддатларда ва шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган тартиб ва шартлар асосида бажаради.

4.2. “Буюртмачи” томонидан шартноманинг 2.1.-банди бажарилганидан сўнг, “Ижрочи”нинг буюртмани шартномада кўрсатилган муддат ичида тайёрлаш ва журнал саҳифасида жойлаштиришни амалга оширади.

4.3. “Буюртмачи” “Ижрочи”га керакли маълумотларни ўз вақтида тақдим этади.

4.4. Ушбу шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган суммани ўз вақтида тўламаганлиги учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га ўтказиб юборилган ҳар бир иш куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

#### 5. Низоларни ҳал этиш тартиби.

5.1. Ушбу шартнома ёки унинг ижроси билан боғлиқ масалалардан келиб чиқадиган барча низолар аввало томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

5.2. Томонларнинг келишуви билан ҳал бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### 6. Бошқа шартлар.

6.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан кучга кирилади ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амалда бўлади. Шартноманинг бекор қилиниши томонларнинг келишувига кўра амалга оширилади.

6.2. Ушбу шартномада кўзда тутилган шартнома шартлари ижроси билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Реклама тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6.3. Мазкур шартнома тузатишларсиз ва иловаларсиз бир хил кучга эга бўлган иккита нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

6.4. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

#### 7. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари “Ижрочи” «Буюртмачи»

##### “Ёшлик” журнали таҳририяти

Манзил: 100066, Тошкент ш, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони.

Тел: 231-20-59,

Х/Р 20212000300118214001

Банк: ИПАК ЙЎЛИ банки “Сағбон” филиали

ИНН: 201057659 МФО: 01036

ОКОНХ 19400 ОКЕД 58140

Бош муҳаррир:  Н.О.Чориев

